

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЖАББОРОВА ДИЛАФРУЗ ФУРҚАТОВНА

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШДА
ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Жабборова Дилафруз Фурқатовна

Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик
технологиялардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштириш 3

Джаббарова Дилафруз Фурқатовна

Совершенствование процесса использования современных педагогических
технологий в профессиональной подготовке будущих учителей..... 21

Jabborova Dilafruz Furqatovna

Improvement of the process of using modern pedagogical technologies in the
professional training of future teachers..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЖАББОРОВА ДИЛАФРУЗ ФУРҚАТОВНА

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШДА
ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В.2019.3.PhD/Ped1064 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengash>) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Олимов Ширинбой Шарофович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хасанова Кибриё Хасановна
педагогика фанлари доктори, профессор

Артикова Мухайё Ботиралиевна
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти


Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «25» 02 соат 1400 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: kengash-pf@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (17-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «15» 02 да тарқатилди.
(2022 йил «15» 02 даги 11 -рақамли реестр баённомаси)




Х.И.Ибраимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
педагогика фанлари доктори, профессор


Ш.Р.Ураков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD) пед. ф. б.


Н.Ш.Шодиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
педагогика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим-тарбия жараёнидаги технологик ва техник ўзгаришлар, ўқитишнинг янги ёндашувларига бўлган талаб бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш тизимини замонавийлаштириш, унинг самарадорлигини оширувчи механизмларни такомиллаштириш зарурати юзага келтирмоқда. European University Institute, Max Plank Institute, Harvard Law School, European Integration (ECSA-Austria), ARENA (Oslo), Mannheim Centre for European Social Research каби нуфузли таълим муассасалари томонидан бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш мазмунига муҳим ўзгартиришлар киритиш, ўқитишнинг замонавий технологиялар, метод ва шаклларида мақсадли фойдаланишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказларида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш тизимлари ва хусусиятлари, ўқитишнинг илғор педагогик ёндашувлари мониторинги ва таҳлили, ўқув жараёни дидактик воситалари ва усуллари жорий этиш муаммоларини тадқиқ этиш, халқаро таълим стандартларини такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқот натижалари ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнида муваффақиятли қўллаш, мотивацион, когнитив, операцион, рефлексив ва ўз-ўзини баҳолаш индикаторларни жорий этишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, педагог кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, олий педагогик таълим билан қамров даражасини кўтариш, олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш сифатини ошириш, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини замонавий талабларга мос шакллантириш имкониятлари кенгаймоқда. Шу билан бирга педагогика таълим соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида “таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга профессионал педагог кадрлар тайёрлаш, педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун кўшимча шароитлар яратиш”¹ каби вазифалар белгиланган. Бу борада, олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашнинг технологик тамойиллари ва хусусиятларини ўрганиш, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг жараёнларини такомиллаштириш, бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашнинг илмий-услубий таъминоти яхшилаш, зарурий методик тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги «Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4623-сон қарори.// ҚХММБ: 07/20/4623/0220-сон 28.02.2020й. <https://lex.uz/uz/pdfs/4749364>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон «Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда соҳага оид бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Ўқитувчининг касбий тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, уларнинг улуғланиши Шарқ мутафаккирлари Исмоил ал-Бухорий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний, Абдулла Авлонийларнинг асарларида ўз ифодасини топган.

Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш муаммолари республикамиз ва чет эллик мутахассислар томонидан бир қатор адабиётларда ёритилган. Олий таълим жараёнида бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланишнинг ташхислаш масалалари М.А.Абдуллажонов, О.А.Абдулина, А.А.Акбаров, Х.А.Абдурахманова, С.В.Сафоноваларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Ўқитувчининг касбий маҳоратини тадқиқ қилган педагог олимлар Ҳ.Абдукаримов, Н.Азизхўжаева, А.Алиев, Ю.А.Ахроров, А.А.Вербицкий, Р.Ҳ.Жўраев, Б.Р.Жўраева, Ж.Ғ.Йўлдошев, С.М.Маркова, Г.М.Махмутова, Л.М.Митина, А.Г.Морозов, У.Н.Нишоналиев, М.Очилов, Б.Рахимов, Н.Саидахмедов, В.А.Сластёнин, Ў.Толипов, А.Р.Ходжабоев, А.А.Холиқов, Н.Шодиев, О.Ҳайдарова, А.А.Ҳамидов, Ф.Р.Юзликаевларнинг ишларида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати, таълим технологияларидан фойдаланиш имкониятлари, талабаларнинг дунёқарашлари, касбий ва мулоқот маданиятини ривожлантириш йўллари ва усуллари, шунингдек, ўқитувчиларни касбий тарбиялаш ва тайёрлаш муаммолари тадқиқ этилган.

Ўқитувчи шахсини касбий тарбиялашнинг психологик ва психофизиологик жиҳатлари А.А.Бодалев, Е.М.Иванова, Э.Ғозиев, М.Г.Давлетшин, Ш.Баротов, В.Каримова ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Бизга маълумки, ҳар бир назария ўзининг методологик асосларига эга бўлади. Таълим технологияси назарияси, ноанъанавий дарс жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари, шунингдек, таълим технологияси тушунчасини мантиқий-ғоявий жиҳатдан изоҳлаш борасида: В.П.Беспалько, Н.Ф.Тализина, С.К.Исламгулова, Т.Н.Балло, Л.В.Занков, Т.Я.Галперин, В.Н.Давидов, Г.К.Селевко, П.Митчел, В.В.Юдин, В.А.Сластенин, Б.Л.Фарберман, И.П.Волков, М.В.Кларин, У.Н.Нишоналиев, Н.Саидахмедов, А.Т.Ғофуров, Ў.Толипов, Ж.Толипова, Ҳ.Т.Омонов, Ш.Ш.Олимов, М.Усмонбоевалар томонидан чоп этилган рисола, монография ва ўқув–методик қўлланма ва бир қатор илмий-услубий мақолаларида турлича ёндашувлар мавжуд.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон олимларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш ва таълим жараёни амалиётда қўллаш усулларида фойдаланиш методикаси монографик тарзда тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Навоий давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2020 йилларга мўлжалланган “Ўқувчиларнинг ўқув-билув имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган вазиятларни лойиҳалаш механизмлари” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштириш технологияларини аниқлаш асосида илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқот муаммосига оид психологик-педагогик ва услубий адабиётлар таҳлили асосида замонавий таълим технологияларига асосланган ўқитиш ғояларининг генезисини аниқлаш;

олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш;

бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг инновацион йўллари аниқлаш ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда инновацион ёндашув асосида тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда олинган натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Навоий давлат педагогика институти, Самарқанд давлат университети ҳамда Бухоро давлат университетининг 542 нафар респондент талабалари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод, воситалари ва технологиялари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда сўровнома, тест, суҳбат, педагогик эксперимент, тадқиқот натижаларига математик-статистик ишлов бериш каби услардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялардан (ривожлантирувчи, ақлий ҳаракатли, жамоавий, адаптив, муаммоли, лойихалаш) фойдаланиш жараёни талабаларни касбий тайёрлашнинг мақсад ва вазифалар, мазмун функциялари, ўқитиш методлари каби технологик тамойиллари ва янги ғояли, ўзгартирувчанлик, ноанъанавийлик, ташаббускор, илғор каби хоссалари мазмунини киритиш асосида такомиллаштирилган;

педагогик жараёнларга таълим инновацияларини татбиқ этиш босқичлари (муаммони аниқлаш, лойихалаш, режалаштириш, ўзгаришлар) педагогик технологияларнинг шахсга йўналтирилган таълимда билиш фаолиятини фаоллаштириш хусусиятлари (таълим олувчи мақомини ўзгартириш, таълим-тарбияга рағбат уйғотиш) таъсирини аниқлаштириш асосида белгиланган;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга тайёрлашда ўқитишнинг модул-кредит технологиясига асосланган ўқув жараёни (ахборот тарғиботи, фарқни бартараф этиш, танлаш, индивидуаллик, мустақиллашув) педагогик функциялар (ташкил этиш, бошқариш, лойихалаш, методик таъминлаш, технологик) таркибини таснифлаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашнинг илмий-услубий таъминоти замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёни тузилмасини (касбий ва инновацион фаолият, баҳолаш) ишлаб чиқиш, ўқув машғулотларини моделлаштириш, касбий фаолиятни ривожлантириш методикасини кўллаш (мақсадлар дарахти, “ассисмент”, ўйинли, интерфаол) асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқишнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари аниқланган ва асослаб берилган ҳамда унинг амалиётга татбиқ этишнинг яхлит механизми тавсия этилган;

олий таълим муассасаси бўлажак ўқитувчисининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш ва ташкил қилишга доир янгича ёндашувлар (модератор, фасилитатор, эдвайзер, тьюторлик) мазмуни аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчининг касбий тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга доир талаб, мажбурият, маҳорат, қобилият ва фаолият кабилар бўйича мезонлар аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёни модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ кўйилганлиги, унинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланиши, назарий маълумотлар ва фактик материаллар ишончли илмий-бадиий манбалардан олинганлиги, маълумотларни қайта ишлаш математик-статистика, тест, суҳбат, педагогик эксперимент усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялар асосида асосий методологик принциплари ҳамда қоидаларини такомиллаштириш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёни асосида ишлаб чиқилган моделдан олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилишда, ўқув-билиш компетентлигининг даражасини баҳолаш мезонларини технологик тамойиллар асосида босқичма-босқич такомиллаштириш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёни, талабаларни касбий тайёрлашнинг технологик тамойиллари ва хоссалари мазмуни, таълим инновацияларини татбиқ этиш босқичлари, педагогик технологияларнинг шахсга йўналтирилган таълимда билиш фаолиятини фаоллаштириш хусусиятларига оид таклифлардан ОТ-Ф4-02 рақамли “Математик физиканинг ҳолатлар тўплами чексиз бўлган моделлари термодинамикаси” (2017-2020 йй.) номли фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020-йил 27 октябрдаги 89-03-4229 сонли маълумотномаси). Натижалар олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнининг асосий методологик тамойиллари, қоидаларини аниқлаш ва асослаш имкониятини яратган;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга тайёрлашда ўқитишнинг модул-кредит технологиясига асосланган ўқув жараёни (ахборот тарғиботи, фарқни бартараф этиш, танлаш, индивидуаллик, мустақиллашув), педагогик функциялар (ташкил этиш, бошқариш, лойиҳалаш, методик таъминлаш, технологик) таркибига оид тавсиялардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 30 августдаги 788-сонли буйруғи билан тасдиқланган олий таълим муассасалари педагогика ва психология таълим йўналишлари ўқув режа ва намунавий дастурни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020-йил 27 октябрдаги 89-03-4229 сонли

маълумотномаси). Натижада олий таълим тизимида касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялар манбаларини ва ресурсларини кенгайтириш учун тамойилларни шакллантиришга хизмат қилган;

бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашнинг илмий-услубий таъминоти, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёни тузилмасини (касбий ва инновацион фаолият, баҳолаш), ўқув машғулотларини моделлаштириш, касбий фаолиятни ривожлантириш методикасини қўллаш (мақсадлар дарахти, “ассисмент”, ўйинли, интерфаол)га оид тавсиялардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 27 мартдаги 247-сонли буйруғи билан тасдиқланган педагогика ва психология таълим йўналишининг ўқув режасидаги “Педагогик технология” модули мазмунини такомиллаштиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 октябрдаги 89-03-4229 сонли маълумотномаси). Натижалар олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнининг асосий методологик тамойиллари, қоидаларини аниқлаш ва асослаш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза шаклида тақдим этилиб, апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналларда 8 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг ҳажми 130 саҳифани ташкил қилади. Диссертация матни кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, илмий, амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, шунингдек, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштириш педагогик муаммо сифатида таҳлил қилиниб, талабаларни касбий тайёрлашда

замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштириш йўналишлари, шунингдек, бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштиришнинг амалдаги ҳолати аниқланган.

Ҳозирги кунда педагогик адабиёт, таълим муаммоларига оид маърузалар, расмий ҳужжатларда "янги педагогик технология", "илғор педагогик технология", "инновацион педагогик технология" иборалари кенг қўлланилмоқда. Айнан тизимли ёндашув педагогик технология асосида ўқитишни бошқа ёндашувлардан фарқловчи асосий белги ҳисобланади. Таълим мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш ва таълим бериш методлари, назорат ва натижаларни баҳолашни ўзаро алоқада ва бир-бири билан боғлиқликда лойиҳалаш, кўпинча анъанавий ўқув жараёнида етишмайдиган нарсалардир.

Педагогик технология деганда, технологик (ишлаб чиқаришдаги) ёндашувларга айнан ўхшаш бўлган таълимда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатланган (якуний натижани олиш) таълим жараёни тушунилади. Бундай таълим жараёни технологиялаштирилган дейилади. Технологиялаштирилган таълим жараёнида ўқитувчи шахсига боғлиқ бўлмаган фақат ўқувчи (талаба)нинг шахсий эҳтёжлари, талаблари ва ҳислатларига асосланган таълим жараёнидир. Ўқувчи (талаба) таълим жараёни марказида туради. Бунда дарсни ким олиб борапти (тажрибали ўқитувчиси ёки ёш ўқитувчиси) қатъий назар кўзланган якуний натижа (мақсадга кўра) га эришиш кафолатланиши лозим. Таълимда ўқитувчи фақат ижрочи вазифасини бажаради.

Педагогик технология педагогик (ижтимоий) ва технологик (ишлаб чиқаришдаги, муҳандислик) ёндашувлар интеграциясидир. Ҳозирги даврда педагогик технологиялар тадбиқий асосини шахсий фаолиятли ёндашув, танқидий-ижодий фикрлаш, муаммоларни ҳал этиш, қарор қабул қилиш ва жамоада ҳамкорликни қарор топтиришга оид педагогик технологияларни ишлаб чиқариш эҳтиёжини юзага келтирмоқда. Педагогик жараённинг моҳияти - ўқитувчи ҳамда ўқувчининг биргаликдаги фаолияти мазмунида акс этади, мазкур жараёнда педагог ўқувчига юзага келган қийинчиликларни енгишга ёрдам беради.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда бу борада катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда. Қуйида таълим амалиётида фойдаланилаётган энг характерли замонавий педагогик технологияларни йўналишларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

- фанни ўрганишда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)ни таълим жараёнида қўллаш;

- мавзунини ўқитишда шахсга йўналтирилган таълим технологияларидан фойдаланиш;

- интеллектуал ривожланиш мониторингини олиб бориш;

- тарбия технологияларини талабани касбий ва шахсий сифатларини шакллантиришнинг етакчи механизми сифатида қўллаш;

- дидактик технологияларни таълим жараёнини ривожлантиришнинг муҳим шарти сифатида қўллаш;

- инновацион технологияларни жорий этишнинг психологик-педагогик таъминоти асосида таълимни ташкил этиш.


Замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига жорий этиш бўлажак мутахассисларда билимларнинг чуқурлиги ва мустақил ижодкорлик фаолиятини ишга солиш имконини беради. Ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш тажрибасига асосланиб, уларнинг айрим афзалликларини таъкидлаб ўтишимиз мумкин:

- талабаларга янги билимларни эгаллашнинг фаол йўллари йўлга қўйишга ёрдам беради;

- шахсий ижтимоий фаолликнинг юқори даражасини эгаллаш имкониятини беради;

- талабаларнинг ижодий қобилиятларини рағбатлантириш, интизом билим, кўникма ва қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўқув машғулотларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг концептуал асоси сифатида ўқитиш, коммуникация, ахборот ва бошқарувнинг усул ва воситаларини танлаш ишини амалга оширишга доир таълим жараёнини такомиллаштиришнинг концептуал ёндашуви белгиланди. Ўқув машғулоти таълим технологиясини режалаштириш (таълим технологиясини ишлаб чиқишда ўқитувчи фаолиятининг кетма-кетлиги) қоидалари қуйидагиларни ўз ичига олади (1- расмга қаранг):



1- расм . Ўқув машғулоти таълим технологиясини режалаштириш

Таълим жараёнида ўқишга қизиқиш ўз-ўзидан эмас, балки ўқитувчи маҳорати, аниқроғи у қўллайдиган усул, воситалар, методлар орқали амалга ошади. Бунда энг муҳими ўқитувчининг дарс мазмуни ва мақсадига мос келувчи қизиқтирувчи омиларни танлай олишдир.

Диссертациянинг “**Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштиришнинг дидактик шарт-шароитлари**” деб номланган иккинчи бобда талабаларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ҳамда талабаларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёни модели ёритилган.

Олий таълим тизимида талабаларни касбий тайёрлаш жараёнида ўтиладиган ҳар бир дарс машғулоти обектив воқеликни ўрганиш қонунларини белгилаб беради.

Биринчидан, ўқув жараёни ўзининг ўқитиш мақсади, ўқитиш ва ўқув фаолияти, таълим мазмуни, ўқитиш воситаларидан иборат мураккаб тизим сифатида намоён бўлади. Улар ўзаро бир-бири билан боғланиб кетган.

Иккинчидан, ўқув жараёни нисбатан йирик тизим бўлган педагогик жараённинг бир босқичидир. Бу босқич касбий тайёрлаш, ўқитиш, таълим бериш ва тарбиялаш жараёни бирлиги сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга бу тизим салмоқли тизим сифатида олий таълим тизими ўқув жараёни ривожланиши қонуниятларига бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий жараёнлар ва талаблар тизими ҳам мавжуд.

Олий таълим тизимидаги ўқитишнинг шакл ва методлари йиғиндиси ўқув жараёнининг обектив қонуниятлари билан белгиланадиган ягона дидактик комплексни ташкил этади. Талабаларни касбий тайёрлаш жараёнида ўқитишнинг шакл ва методлари таснифи ўзаро боғланган ва ўзаро шартланган фаолиятга таянади: ўқув жараёнини бошқариш ва ташкил этиш бўйича; ўқитувчиларнинг фаолияти; талабаларнинг ўқиш ва билиш фаолияти.

Талабаларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнини ташкил этиш босқичларидан қуйидагиларни мисол келтириш мумкин:

Ўқитишнинг анъанавий (репродуктив) технологияси. Анъанавий технологиянинг асосий хусусиятлари ва дидактик мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- билим бериш, ўқув ва малакани шакллантиришга мўлжалланади;
- талабаларни репродуктив даражада ўқув мазмунини ўзлаштиришларини ҳамда уни назорат қилиш ва баҳолашни таъминлайди;
- етакчи услуб-кўргазмалар асосида тушунтириш;
- талабаларнинг асосий фаолияти тури - тинглаш ва эслаб қолиш;
- дидактик мезони – ўрганилганларни хатосиз эслаш ва амалда қўллаш.
- дидактик схемаси: янги материални ўрганиш-мустаҳкамлаш-назорат-баҳолаш.

Ривожлантирувчи таълим технологияси. Асосий хусусиятлари:

- ўқитиш самарадорлигини оширади;
- етакчи принцип- юқори даражада қийин ва тез суръатларда ўқитиш;
- таълим мазмуни - назарий билимларга таянган ҳолда амалий ўқув ва малакани биргаликда ривожлантириш;

- ўқув фаолиятининг турли ҳолатларида талаба рефлексиясини рағбатлантириш.

Ақлий ҳаракатни босқичма-босқич шакллантириш технологияси. Бу технологияда ўқув жараёни аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятни ташкил этиш асосида амалга оширилади.

Жамоавий ўзаро таъсир технологияси. Ташкилий диалог, биргаликдаги диалог, ўқитишнинг жамоавий усули, талабаларнинг алмашинувчи таркибли жуфтлигида ишлаш ушбу педагогик технологиянинг етакчи шакллари ҳисобланади.

Тўлиқ ўзлаштириш технологияси. Анъанавий ўқитиш технологиясидан яқуний натижа, яъни ўқувчилардаги билимни ўзлаштириш даражаси билан фарқ қилади.

Турли даражали ўқитиш технологияси. Ушбу технология ҳар бир таълим олувчини яқин ривожланиш доирасига мос келувчи фаолиятини ҳисобга олган педагогик шароит яратишни ва дифференциал даражали ўқитишни кўзда тутди.

Адаптив ўқитиш технологияси. Адаптив (мосланувчан) ўқитиш технологияси турли даражали ўқитиш технологиясининг ҳар хиллиги билан фарқланади. Ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув машғулотларининг мослашувчан тизимини ташкил этишни кўзда тутди. Унда асосий эътибор ўқувчиларнинг ўқув қобилиятларини шакллантиришга қаратилади.

Муаммоли ўқитиш технологияси. Педагогик технология мақсади ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчининг ўқув муаммолари ечимига қаратилган мустақил ижодий изланувчанлик қобилиятларини шакллантиришга қаратилган. Педагогик технология татбиғи ўқувчида янги билимлар, ўқув ва малака, ривожланувчи билиш қобилияти, эрудиция (билим, ақл-заковат), билишни севиш, ижодий фикрлаш каби муҳим аҳамиятга эга бошқа шахсий фазилатлар ҳамда қобилиятларни шаклланишига олиб келади. Ушбу технологияда педагог билимларни тайёр ҳолда етказмайди, балки ўқувчига мавзу бўйича муаммоли вазият ҳосил қилади ва муаммо ечими бўйича унда фикр ва ғоя уйғонишига шароит яратади.

Лойиҳалар услуги технологияси. Лойиҳалар услуги мажмуали услуб ҳисобланиб, ҳозирги вақтда ўқув жараёнида қўлланилаётган барча инновацион педагогик услубларни ўзида мужассамлаштиради. Лойиҳалар услуги– ўқитувчи назоратида янги маҳсулот ва хизматлар яратиш жараёнида ўқувчининг интеллектуал ва жисмоний имкониятларини, мустақиллик ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш йўли орқали шахснинг ўз қобилиятларидан тўлиқ фойдаланишга йўналтирилган ўқув жараёнини ташкил этишнинг амалий аҳамият касб этувчи, субъектив ва объектив янгиликларга эга мослашувчан модели ва ўқитиш тизимидир.

Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб

қилинмоқда. Ўзида ана шу имкониятларни намоён эта олган таълим шахсга йўналтирилган таълим деб номланади.

Шахсга йўналтирилган таълим – талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим.

Бу таълим ўқитиш муҳитининг талаба имкониятларига мослаштирилишини назарда тутаяди. Унга кўра таълим муҳити, педагогик шарт-шароитлар, таълим-тарбия жараёнини тўлалигича талабанинг шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш, қобилиятини ривожлантириш, шахс сифатида камолотга етишини таъминлаш, тафаккури ва дунёқарашини бойитишни назарда тутаяди.


Педагог томонидан таълим жараёнида инновацион характерга эга турли фаол методларнинг қўлланилиши талабаларни ривожлантириш, қобилиятларини янада ўстиришга хизмат қилади. Хусусан: муаммоли изланиш, кичик тадқиқотларни олиб бориш, дебат, баҳс-мунозара, эвристик суҳбат, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқалар.

Замонавий шароитда талабаларнинг ўқув-билиш фаолликларини кучайтириш, ўқитиш сифатини ошириш ва самарадорлигини яхшилаш мақсадида инновацион характерга эга таълим шаклларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модул-кредит тизими, масофали ўқитиш, blended learning (аралаш ўқитиш) ва маҳорат дарслари таълимнинг инновацион шакллари сифатида эътироф этилмоқда.

Амалий ўйинлар. Дастлаб “ўйин” тушунчасининг моҳиятини англаб олиш талаб этилади. Ўйин – кишилиқ фаолиятининг муҳим тури ҳамда ижтимоий муносабатлар мазмунининг болалар томонидан имитациялаш (кўчириш, таклид қилиш) асосида ўзлаштириш шакли саналади. Амалий ўйинлар – муайян амалий ҳаракатларнинг ташкил этилишини имитациялаш имкониятини берадиган фаолиятдир.

Таълим амалиётида қўлланиладиган амалий ўйинлар ўз-ўзидан дидактик хусусият касб этади, шу сабабли улар кўп ҳолатларда “дидактик ўйинлар” деб юритилади. Кишилиқ тарихий тараққиётининг барча даврларида ҳам ўйин субъект фаолиятининг энг биринчи ва муҳим тури сифатида тан олинган.

Интерфаол таълим ўқитиш жараёнининг асосий иштирокчилари - ўқитувчи, талаба ва талабалар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – талаба – талабалар гуруҳи”нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари қабилар билан тавсифланади. Модулли-кредит тизими замонавий таълимнинг энг такомиллашган шакли саналади.



2-расм. Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёни модели.

Бугунги кунда тараққийпарвар инсоният давлатлар ўртасида ижтимоий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий соҳаларда ўзаро келишувга эришиш, ҳамкорликни йўлга қўйишнинг янгидан янги йўллари излашда давом этмоқда.

Педагогика таълим йўналишида ўқитувчиларнинг касбий фаолиятини ривожлантиришда инновацион таълим методлари асосида биз томонимиздан бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёни модели (2-расм) ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган модел бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёрлаш замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар ҳамда ўқитиш методикаси мазмунан такомиллаштирилди. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятини замонавий педагогик технологиялар асосида такомиллаштириш моделининг мақсад компонентида малака талаблари асосида ўқитувчининг касбий компонентларини ривожлантиришга эътибор қаратилган. Жумладан, замонавий педагогик технологиянинг асосий турлари, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолият структураси, компонентлар тузилмалари ёритилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштиришнинг самарадорлик даражаси”** номли учинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштиришнинг тажриба-синов ишлари муайян дастур асосида олиб борилди.

Олий таълим муассасалари талабаларини касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштириш борасида ташкил этилган тажриба-синов ишларининг асосий мақсади – мазкур ўқув юртлари талабаларида касбий фаолиятга тайёргарлик даражасининг тажрибадан аввалги ва кейинги ҳолатини ўрганиш ҳамда уларда касбий сифатларни тўлақонли ривожланишига эришишдир.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида тажриба-синов ишларига таълим муассасаларидан, жумладан, Навоий давлат педагогика институти, Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университетидан жами 542 нафар талабалар жалб этилиб, уларнинг касбий тайёргарлиги, фаолиятларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш тўғрисидаги тушунчаларни билиши, унга муносабати борасидаги билимлари синаб кўрилди. Талабалар тасодифий танлаш тамойилига мувофиқ тажриба ва назорат гуруҳларига бириктирилдилар. Тажриба гуруҳларида касбий фаолият тўғрисидаги тушунчаларни ифодаловчи сўровнома ва улар билимини аниқлашга доир методика асосида иш кўрилди. Назорат гуруҳларида эса гарчи тадқиқот бошида тадқиқ қилинаётган масала ҳақида умумий маълумотлар берилган бўлса-да, тажриба гуруҳида тузилган режа асосида билимлар берилди.

Тажриба якунида олий таълим муассасалари талабаларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришни давр талаблари асосида

таъминлаш учун ўтказилган тажриба-синов натижалари тажриба-синов охирида (1-жадвал) куйидагича кўринишни олди.

1-жадвал.

Ўтказилган тажриба-синов натижалари

Талабаларнинг ўзлаштириш даражалари	Тажриба гуруҳида $m=264X_i$		Назорат гуруҳида $n=278 Y_i$	
	Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
Юқори	75 (28%)	98 (37 %)	65 (23%)	68 (24%)
Ўрта	88 (34%)	120 (45%)	98 (35%)	108 (39%)
Қуйи	101 (38%)	46 (18%)	115 (42%)	102 (37%)


Ушбу маълумотларни математик - статистик таҳлил қилиш учун Стьюдент-Фишер методи танланди.

Тажриба ва назорат синфидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2 – танланмалар деб олсак, куйидаги вариацион қаторга эга бўламиз.

1 – танланма X_i : юқори; ўрта; қуйи;
(тажриба гуруҳи) t_i : 98; 120; 46;
 $t=264$

2 – танланма Y_i : юқори; ўрта; қуйи;
(назорат гуруҳи) n_i : 68; 108; 102.
 $n=278$

Бу танланмаларга мос келган диаграммани чизамиз (3-расм):



3-расм. Талабаларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини ривожланганлик даражаси диаграммаси

Кўрсатилган графиклардан англанадики, тажриба ва назорат гуруҳлари учун танланма модал қийматлари мос равишда $M_T=5$ ва $M_H=3$, яъни улар орасидаги фарқ етарли даражада бўлиб, $M_T > M_H$ экан. Бу эса, ўз навбатида, бу танланмалар учун мос ўрта қийматлар ҳам $X > Y$ шартларни

қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади. Уларни қуйидаги формулалар асосида ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{264} (98 \cdot 5 + 120 \cdot 4 + 46 \cdot 3) = \frac{1}{264} (490 + 480 + 138) = \frac{1108}{264} = 4,1$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i = \frac{1}{278} (68 \cdot 5 + 108 \cdot 4 + 102 \cdot 3) = \frac{1}{278} (340 + 432 + 306) = \frac{1069}{278} = 3,8$$

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X} = 4,1$; $\bar{Y} = 3,8$; $\Delta_m = 0,05$; $\Delta_H = 0,07$ га тенг.

Бундансифаткўрсаткичлари:

$$K_{yob} = \frac{\bar{X} - \Delta_m}{\bar{Y} + \Delta_H} = \frac{4,1 - 0,05}{3,8 + 0,07} = \frac{4,05}{3,87} = 1,04 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_H) = (4,1 - 0,05) - (3,8 - 0,07) = 4,05 - 3,87 = 0,18 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳи натижалари назорат гуруҳидагилардан юқори экан.

ХУЛОСА

1. Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашга бағишланган назарий манбалар, тадқиқот ишларининг таҳлили уларни тайёрлаш амалиёти, ўқитувчиларнинг иш фаолиятларини ҳар томонлама ўрганиш натижалари шунини кўрсатдики, олий ўқув юртларида бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашнинг технологик тизимини ишлаб чиқиш ва бу тизимни назарий жиҳатдан асослаш педагогика фани олдида турган долзарб муаммолардан бири эканлиги аниқланди.

2. Талабаларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнини ривожлантириш тизими яхлит педагогик ҳодиса бўлиб, унинг таркибий қисмларини аниқлаш ва педагогик жиҳатдан шарҳлаш зарурияти мавжуд.

3. Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш тизими ўзига хос педагогик-психологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда белгилаб берилиши мақсадга мувофиқдир. Қайсиқим ушбу педагогик-психологик хусусиятлар ёш ўқитувчига таълим жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, ўқув жараёнини мақсадга мувофиқ тарзда лойиҳалаш, ўқувчини мужассам тарзда ақлий-интеллектуал ҳамда маънавий-ахлоқий ривожлантиришга хизмат қиладиган ўқув топшириқларини танлаш имконини беради.

4. Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёни кўп элементли тизим бўлиб, у ўқитувчилар тайёрлаш тизимининг мазмуни, шакли, метод ва воситалари ва

ўқитувчи-ўқувчи муносабатлари, уларни субъект-субъект даражасида ташкил этиш йўллари, ўқитувчи маҳорати ва шахсий сифатларини қамраб олади. Таълим жараёнига қўлланиладиган ҳар қандай замонавий педагогик технологиялар шахсга, унинг ақлий ва касбий баркамоллигини таъминлашга йўналтирилган бўлиши лозим. Бунда таълим олувчи шахси педагогнинг диққат марказида бўлиши, ўқитишни ўқувчи-дарслик-ўқитувчи тизимида ташкил этиш муҳимлиги аниқланди.

5. Ўқув-тарбия жараёнида ўқитувчининг маҳорати ва касбий кўникмалари алоҳида ўрин эгаллаб уни шакллантириш учун педагогик таълим жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

6. Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда ва маънавий сифатларини шакллантиришда аудиториядан ташқари, таълим-тарбия жараёни ва педагогик амалиёт муҳим аҳамият касб этишини кузатишларимиз яққол кўрсатди.

7. Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш тизимида педагогик-психологик туркумидаги ўқув фанларни ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан (лойиха технологияси, муаммоли, кейс технологияси, мунозара-мақсадли, мужассамлаштирилган-ёндашувли ўқитиш, модулли, ҳамкорликда ўқитиш) фойдаланиш катта самара бериши аниқланди.

8. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини замонавий педагогик технологиялар асосида таъминлашга йўналтирилган педагогик тизим самарадорлигини аниқлаш мақсадида, кўп босқичли кузатувлар алоҳида аҳамиятга эга эканлиги исботланди.

9. Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёргарлик даражасини оширишда педагогик амалиёт, тренинглар, ўқитувчи ҳамда ўқувчиларни биргаликдаги мулоқотга чорловчи ишчан ўйинлар, ҳамкорликка асосланган интерфаол таълим методлари алоҳида дидактик аҳамият касб этиши аниқланди.

10. Талабаларни касбий тайёрлашда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёнини ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов натижаларининг статистик таҳлили тадқиқотнинг илмий фарази тўғрилигини тасдиқлаш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ЖАББОРОВА ДИЛАФРУЗ ФУРКАТОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
СОВРЕМЕННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКЕ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером №В.2019.3.PhD/Ped1064.

Докторская диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengash>) и информационно-образовательном портале "ZiyoNET" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Олимов Ширинбой Шарофович доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Хасанова Кибриё Хасановна доктор педагогических наук, профессор Артикова Мухайё Ботиралиевна доктор педагогических наук (DSc), доцент
Ведущая организация:	Джизакский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «25» 02 2022 года в 14:00 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: +99866239-12-29; факс: +998366239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован по №17). (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: +99866 239-11-51).

Автореферат диссертации разослан «15» 02 2022 года.
(Реестр протокола рассылки № 11 от «15» 02 2022 года).



Х.И.Ибраимов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.п.н., профессор

Ш.Р.Ураков
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.ф.п.н. (PhD)

Н.Ш.Шодиев
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Изменения, происходящие в образовательном процессе в мире, показывают необходимость уделять серьёзное внимание использованию современных педагогических технологий в профессиональной подготовке будущих учителей. Одними из наиболее актуальных педагогических задач на сегодняшний день являются внесение существенных изменений в содержание подготовки будущих учителей, эффективное внедрение модульно-рейтинговой системы обучения с помощью информационно-коммуникационных технологий, пересмотр методов и форм совершенствования процесса использования современных технологий. Актуальным остаётся создание научно обоснованной системы кардинального изменения и развития образовательного процесса. В частности, важное значение имеет то, что в таких престижных научно-исследовательских образовательных центрах, как European University Institute, Max Plank Institute, Harvard Law School, European Integration (ECSA-Austria), ARENA (Oslo), Mannheim Centre for European Social Research, которые проводят исследования по усовершенствованию использования современных педагогических технологий в профессиональной подготовке будущих учителей, были достигнуты значительные практические результаты,

В исследованиях, проводимых ведущими мировыми вузами и научными центрами по вопросам профессиональной подготовки будущих учителей, осуществления современного образования в мире, особое внимание уделяется совершенствованию использования современных педагогических технологий в подготовке будущих учителей, внедрению требований международных образовательных стандартов. Особое внимание уделяется успешному применению современных педагогических технологий в учебном процессе, расширению навыков учителей на основе таких индикаторов, как мотивационные, когнитивные, операционные, рефлексивные и самооценочные.

Сегодняшняя реформа образования в нашей республике актуализировала проблему формирования знаний, навыков и умений будущих учителей в соответствии с современными требованиями. «Необходимо дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, повышение возможностей качественных образовательных услуг, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда»². В этом смысле эффективное решение поставленных задач, в свою очередь, требует создания современной образовательной среды, разработки современных технологий в образовательном процессе, устранения существующих

² Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Собрание законодательных актов Республики Узбекистан. – Т., 2017. – С.39. <https://lex.uz/docs/4751561>

актуальных проблем и недостатков посредством их внедрения в практической деятельности.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5847 от 8 октября 2019 года «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», Постановлении Президента № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», Обращении к Олий Мажлису от 29 декабря 2020 года, а также других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. ««Социальное, правовое, экономическое, культурное, духовное и образовательное развитие информационного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики»».

Степень изученности проблемы. Требования, предъявляемые к профессиональной подготовке учителей, их прославление нашли своё отражение в трудах восточных мыслителей Исмаила аль-Бухари, Юсуфа Хас Хаджиба, Абу Насра Фараби, Абу Рейхана Беруни, Абу Али ибн Сины, Абдурахмана Джами, Алишера Навои, Джалалиддина Давони, Абдуллы Авлони.

Проблемам профессиональной подготовки будущих учителей в высших учебных заведениях посвящён ряд публикаций отечественных и зарубежных специалистов. Вопросы диагностики профессионального становления будущего учителя в процессе получения высшего образования изучались в исследованиях М.А. Абдулладжоновой, О.А. Абдулиной, А.А. Акбарова, Х.А. Абдурахмановой, С.В. Сафоновой.

В трудах учёных-педагогов, исследовавших профессиональное мастерство учителя, таких, как Х. Абдукаримов, Н. Азизходжаева, А. Алиев, Ю. А. Ахроров, А. А. Вербицкий, Р. Х. Джураев, Б. Р. Джураева, Ж. Г. Юлдашев, С. М. Маркова, Г. М. Махмутова, Л. М. Митина, А. Г. Морозов, У. Н. Нишоналиев, М. Очилов, Б. Рахимов, Н. Саидахмедов, В. А. Слостёнин, У. Толипов, А. Р. Ходжабоев, А. А. Халиков, Н. Шодиев, О. Хайдарова, А. А. Хамидов, Ф. Р. Юзликаев, были изучены педагогическое мастерство будущих учителей, возможности использования образовательных технологий, пути и средства развития профессиональной и коммуникативной культуры, мировоззрения студентов, а также проблемы профессионального образования и подготовки учителей.

Психологические и психофизиологические аспекты профессионального воспитания личности учителя нашли отражение в исследованиях А. А.

Бодалева, Е. М. Ивановой, Э. Гозиева, М. Г. Давлетшина, Ш. Баротова, В. Каримовой и других.

Нам известно, что каждая теория имеет свою методологическую основу. В отношении логико-идейной интерпретации теории образовательной технологии, методам использования педагогических технологий в нетрадиционном учебном процессе, а также концепции образовательной технологии используются разные подходы в монографиях, учебных пособиях и ряде научно-методических статей, опубликованных В.П. Беспалько, Н.Ф. Талызиной, С.К. Исламгуловой, Т.Н. Балло, Л.В. Занковым, Т.Я. Гальпериним, В.Н.Давидовым, Г.К.Селевко, П.Митчелом, В.В.Юдиным, В.А.Сластениным, Б.Л.Фарберманом, И.П. Волковым, М.В.Клариним, У.Н.Нишоналиевым, Н.Саидахмедовым, А.Т.Гафуровым, У.Толиповым, Ж.Толиповой, Х.Т.Омоновым, Ш.Ш.Олимовым, М.Усмонбаевой.

